

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

Иброҳим Усманов

**«ҚУРЪОНШУНОСЛИК»
ФАНИДАН**

**КУРС ИШИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ КЎРСАТМА**

5220400 – «Диншунослик» таълим йўналиши учун мўлжалланган

«Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2011

Услубий кўрсатма ТИУ «Исломшунослик» кафедрасининг 2011 йил 27 апрель мажлиси 17-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Тақризчилар:

И.Бултаков – ТошДШИ доценти, филология фанлари номзоди

Д.Раҳимжонов – ТИУ доценти, тарих фанлари номзоди

Ушбу услубий кўрсатма ТИУ Ўқув-услубий кенгашининг 2011 йил 23 майдаги мажлисида (14-сонли баённома) муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

Услубий кўрсатма ТИУ Илмий кенгашининг 2011 йил 31 майдаги мажлисида (10-сонли баённома) муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

Ушбу услубий кўрсатма «Диншунослик» йўналиши талабалари ҳамда уларнинг курс ишлари бўйича илмий раҳбарлари учун мўлжалланган. Услубий кўрсатма бошқа олий таълим муассасаларининг талаба ва профессор-ўқитувчилари учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Услубий кўрсатмада курс иши ёзиш, илмий адабиётлардан истифода этиш, замонавий мультимедиа воситалари орқали курс иши тақдимотини ташкил этиш ҳамда илмий услубдаги матнларни ёзиш бўйича тавсиялар баён қилинган; курс ишини ёзиш, расмийлаштириш ва уни тақдимотга тайёрлаш юзасидан амалий маслаҳатлар берилган.

КИРИШ

VIII асрдан бошлаб Мовароуннаҳр диёрига ислом дини кириб келиши натижасида жамият ҳаётининг турли жабҳалари – тил, санъат, маориф, дин, ахлоқ, маиший ҳаёт ва бошқа соҳаларда ўзгаришлар юз бера бошлади. Марказий Осиёда ислом тарихи ва унинг хусусиятларини тадқиқ этишда муқаддас манбалар – Қуръон ва ҳадис билан боғлиқ масалалар, уларни талқин қилиш услублари, тафсир мактаблари вужудга келиши, ривожланиши, бу соҳада фаолият юритган буюк намоёндаларнинг ижоди, фаолияти, таълимотлари ва улар ўртасидаги алоқаларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда ўзлигимизни англаш учун ўтмиш маданиятимиз ва санъатимиз, ота-боболаримиз маънавий ўғитлари, уларнинг маданияти, диний дунёқараши ва дунёвий тафаккурини билишимиз зарурияти кучаймоқда. Бу эҳтиёжни қондириш эса тарихни илмий ўрганиш, уни тадқиқ этиш орқали бўлиши табиийдир. Ўтмишда яратилган маънавий-маданий ва адабий меросларни ҳозирги кунда ҳар томонлама ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ва уларни нашр этиш имкониятлари мавжуд. Муқаддас илоҳий китоб – Қуръони карим ўзида жам қилган мавзулар кўламини ва мазмунлар мундарижасини тўла ўрганиб чиқиш муҳим вазифалардандир.

Мустақиллик туфайли миллатимиз қўлга киритган улўф ютуқлардан бири – умуман динлар, жумладан, ислом динига бўлган муносабатнинг тубдан ўзгариши бўлди. «Дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ташвиқот билан чиқариб бўлмайди. Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкинки, Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда¹», – деган эди Президентимиз Ислом Каримов.

Халқимизнинг маънавиятида азалдан диний қадриятларнинг ўрни катта бўлиб, ҳозирда ҳам Қуръон ва ҳадислар, юртимиздан етишиб чиққан забардаст уламоларнинг беқиёс асарларида тараннум этилган бағрикенглик, инсонпарварварлик ва юртга садоқат каби ғоялар моҳиятини аҳолининг барча қатламларига етказишда Тошкент ислом

¹ Каримов И. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 7.

университети профессор-ўқитувчилари фаол иштирок этмоқдалар. Бугунги кунда ҳалқимиз, хусусан, ёшларимиз ана шундай таълимга муҳтож экани сир эмас. Бу эҳтиёжни эса ҳар хил бузғунчи гуруҳлар эмас, балки ислом таълимотини тўғри етказиш орқали ўзимиз қондиришимиз ва фарзандларимизни ёт унсурлар таъсирига бериб қўймаслигимиз керак. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек «Муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, туҳмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда»². Ислом маърифатидан ҳалқимизни илмий асосда ҳолис ва чуқурроқ хабардор этиш оқибатида юртни севиш, ҳалқ фаровонлиги йўлида қайғуриш ва шу йўлда жонфидолик қилиш каби руҳият тўғри тикланиб боради.

Олдинги асрда бўлганидек, ҳозирги кунда ҳам дунёнинг турли бурчакларида, жумладан, мамлакатимизда диний экстремистик гуруҳлар пайдо бўлиб, улар ғаразли мақсадларини амалга ошириш, мусулмонларнинг онги ва тушунчасига таъсир ўтказиш мақсадида Қуръон оятлари ва ҳадис маъноларини ўз раъй-хоҳишларича талқин қилиш билан шуғулланмоқдалар. Тинчликка раҳна солувчи бундай ғаламисларнинг ғаразли мақсадлари ва Қуръони Карим маъноларини нотўғри талқин қилиб, даъво қилаётган хулосаларининг ҳақиқатдан нақадар йироқ сафсата эканини ҳалқимизга исботлаб бериш, уларни дин асосларидан хабардор қилиш учун мустақиллик берган имкониятлардан тўла фойдаланган ҳолда, Қуръон оятлари маъноларини изчил ва чуқур ўрганиш ва ҳолислик асосида иш тутиш, ҳам илмий ҳам амалий аҳамиятга молик долзарб вазифадир.

Инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий ҳуқ-атвор андозаларини ўзгартириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Ҳалқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари

² Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. – Б.37.

асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.

Ёшларни юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжалли тўғри ола билиш маҳоратига ўргатиш, истиқбол вазибаларини илгари суриш ва ҳал этишга лаёқатли кадрларнинг янги авлодини шакллантириш – таълим тизими ходимлари олдида турган улкан вазифадир.

Бугунги кунда илмий-тадқиқотчилик фаолияти ХХІ аср фани муваффақиятининг гаровидир. Қадимги даврлардан то бугунги кунгача фан умуман жамиятга ва ҳар бир шахсга хизмат қилади. Бизни ўраб турган жамики нарсалар – бу инсон илмий фаолиятининг амалий шакллари бўлган технологиялар ва ишлаб чиқариш жараёни орқали моддий бойликларда мужассам этган ақлий иш маҳсулидир.

Илмий тадқиқот иши сифатида талабалар томонидан тайёрланадиган мустақил иш, кейс, лойиҳа технологияси, реферат, курс иши, битирув малакавий иши, магистрлик диссертациялари ўзининг хусусиятлари ва талаблари билан бир-бирдан ажралиб туради.

Курс иши талабанинг фанни ўқитиш жараёнида талаб этилган мустақил иш шаклидаги топшириқларнинг давоми сифатида бажарилади. Шу билан бирга, мазкур тадқиқот усули талабанинг мустақил илмий-ижодий иши бўлиб, у ихтисослик соҳасига доир фанларнинг назарий асослари ва моҳиятини чуқур ўзлаштириш, аниқ амалий матн ва манбаларни тадқиқ этиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш ишларини амалга оширади.

Курс иши бу аввало қатъий режали фаолиятдир. Замонавий воситалар билан пухта қуролланган илмий тадқиқот табиат ва жамиятдаги объектив қонуниятларни очиш ва теран билишга имкон беради. Шундан кейин олдинроқ келтирилган фикрнинг аниқ мақсадни кўзлаб ишланишини давом эттириш, олдиндан мўлжалланган тадқиқот схемасини аниқлаштириш, ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш жараёни кечади.

Курс иши фан бўйича ўқув фаолияти тури сифатида қаралади ва уни ўрганишга ажратилган соат чегарасида амалга оширилади.

«Қуръоншунослик» фани бўйича курс ишини ёзишдан мақсад – Қуръони карим ҳақида атрофлича маълумот бериш, уни мўътабар манба сифатида ўрганиш, Қуръон ва исломгача бўлган араб нотиклиги билан боғлиқ назарий билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш, Қуръон тили муаммоси, шакли ва статистик хусусиятлари, Қуръон ва араб адабиёти намуналарини илмий нуқтаи-назардан баён этиш, талабаларда суннийлар тафсири ва шиалар таъвилига тааллуқли долзарб мавзу ҳамда масалалар борасида тасаввур ҳосил қилиш ва ўрганишга йўналтириш, қуръоншуносликда янги ёндашувлар, замонавий тафсирлар, Қуръоннинг ўрганилиш тарихини тадқиқ этиш малакаси ва тажрибасини шакллантириш, Европада Қуръоншунослик, мазкур муқаддас манбани таржима қилиш муаммоси, европаликлар ва мусулмонларнинг таржималари ҳақидаги етарли билимлар билан таъминлашдан иборат. Шу билан бирга, талабаларда назарий ва амалий фаолият билан боғлиқ илмий адабиётлар, таҳлилий материалларни ўрганиш ва таснифлаш кўникмасини ҳосил қилиш, амалий маълумотлар ва статистик материаллар билан ишлаш ҳамда улардан илмий асосда фойдаланиш борасидаги малакасини оширишдан иборат.

Бунинг амалий натижаси сифатида талабаларда қуйидаги кўникма ва малака ҳосил бўлишига эришиш кутилади. Жумладан:

- Қуръон ва тафсирга оид ёзилган асарлардан мустақил фойдаланиш;
- Қуръон ва тафсир фанлари бўйича мавжуд қарашлар ва ёндашувлардан илмий хулосалар чиқара билиш;
- Қуръон оятларини нотўғри талқин қилганларга қарши манбаларга асосланган ва илмий хулосалар чиқарган ҳолда раддиялар бера олиш;
- мусулмон ва ғарб олимларининг қуръоншуносликка оид асарларидан фойдаланган ҳолда объектив хулосалар чиқара олиш;
- турли мавзулардаги манба ва тадқиқотлардан Қуръонга нисбатан ёндашув ва қарашларни ажрата билиш;
- диний бағрикенглик, давлат, жамият ва дин ўзаро муносабатларидаги мувофиқликнинг зарурлигини тушунтириш, уларда кенг дунёқарашни шакллантириш;
- диний мутаассибликка қарши курашда ўз билим ва кўникмаларини қўллай билиш тажрибасига эга қилиб тарбиялаш.

Курс иши бўлажак мутахассиснинг шаклланишида муҳим ва ҳал қилувчи босқичлардан бири бўлиб, фан бўйича амалий мустақил билимни эгаллашнинг муҳим тадбири ҳисобланади.

Курс ишининг асосий вазифаси талабада танлаб олган мавзуси бўйича бугунги ҳолатни таҳлил қилиш, илмий-амалий муаммоларни ёритиб бериш ва уларни ечиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича кўникмалар ҳосил қилишдир. Шу боис, курс ишининг даражаси талабанинг илмий назарий тайёргарлигининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Курс иши ёзишда талаба:

- илмий дунёқараш тавсифидаги билимлар тизимини эгаллаган бўлиши;
- гуманитар ва ижтимоий фанлар асосини, давлат сиёсати, хусусан, дин соҳасидаги ислохотлар мазмун-моҳиятини билиши;
- ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил этиши;
- мавзуга доир тарихни билиши;
- миллий, маънавий масалалар ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини баён этиши ҳамда илмий асослай олиши;
- миллий ғоя асосида фаол ҳаётий ўринни эгаллаши;
- атроф-муҳит ва жамиятда юз бераётган жараёнлар, ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши;
- табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши;
- замонавий илмий асосда ўз билимларидан ҳаёти ва касбий фаолиятида фойдалана олиши;
- инсонлар орасидаги жамиятга, атроф-муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий-ахлоқий меъёрларни билиши;
- уларни касбий фаолиятда ҳисобга олиши;
- ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш, сақлаш, ишлаб чиқиш ва улардан унумли фойдалана олиши;
- мустақил фикрлаш, керакли таклиф ва тавсиялар бера олиши лозим.

Курс ишлари мавзу жиҳатдан хилма-хил бўлса ҳам услубининг бир-бирига ўхшаш томонлари бор. Шу сабабли ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ушбу рисолада 5220400 – «Диншунослик» таълим йўналиши талабаларига «Қуръоншунослик» фанидан курс иши ёзиш бўйича услубий кўрсатмалар баён этилган.

1. КУРС ИШЕНИ ЁЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

Курс иши мавзулари кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан тузилиб, кафедра мажлисида муҳокама қилинади ва тасдиқланади. Курс ишининг мавзуси қисқа ва аниқ бўлиши лозим. Мавзу талабанинг илмий ва амалий қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда танлаб олинади. Фан бўйича маъруза олиб боровчи профессор-ўқитувчи талаба танлаган мавзунини рўйхатга олади ва курс иши ёзилишини назорат қилади.

Курс ишини бажариш жараёнида илмий ва тарбиявий ишлар комплекс асосда амалга оширилиб, улар орасида қуйидагилар биринчи даражали аҳамиятга эга:

1) фаннинг долзарб мавзу ва муаммолари чуқур ўрганилади. Курс иши устида ишлаш жараёнида талаба танлаган мавзунини атрофлича тадқиқ этиш, унинг йўналишларини таҳлил қилиш ҳақида тушунчага эга бўлади;

2) мустақил ишлаш усуллари билан танишади, назарий ва амалий долзарб масалаларни ёзма баён қилиш усуллариини ўрганади;

3) библиография тузиш, статистик тўпламлардан фойдаланиш, мавзулар бўйича конспект ёзишни ўзлаштиради ҳамда тавсиялардан келиб чиқиб, расмийлаштиради;

4) ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни амалиётда татбиқ қилинишини ўрганади.

Курс ишини бажариш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- 1) курс иши мавзусини танлаш;
- 2) кафедра томонидан тавсия қилинган адабиётларни тўплаш, уларни ўрганиш, конспектлаш ва керакли маълумотларини ёзиб олиш;
- 3) курс иши режасини тузиш;
- 4) назарий масалалар ва амалий материалларни умумлаштириш, таҳлил қилиш, қайтадан ишлаб чиқиш;
- 5) курс иши матнини ёзиб чиқиш, уни расмийлаштириш ва илмий раҳбарга тақриз учун тақдим этиш;
- 6) тақризчининг талаблари асосида ишга айрим тузатишлар киритиш, қўшимча саволларга жавоб бериш;
- 7) курс иши ҳимоясига тайёрланиш.

Курс иши мавзусини танлашда, унинг аҳамияти, назарий ва амалий материалларнинг мавжудлиги ва етарли бўлиши, янги масалаларни ўрганилиши, танланган мавзу ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиши, танланган масалаларга қизиқиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мавзу жуда кенг масалаларга бағишланмаслиги ҳамда қисқа масалаларни аниқлаш билан чегараланмаслиги керак.

Мавзу танлашда шунга эътибор қаратиш керакки, бу масалани ўрганиш талабанинг билмаган нарсаларини англаб олишига ҳамда курснинг навбатдаги бўлимларини ўрганишига яқиндан ёрдам бериши лозим.

Талаба томонидан уч ёки тўрт фан бўйича тайёрланадиган курс ишлари мавзуларининг бир-бири билан боғланган бўлиши унга мазмун-моҳиятига кўра ўзаро боғланган масалаларни изчил ўрганишида яхши самара беради.

☞ ▶ Курс иши мавзусини танлаганингиздан сўнг танланган мавзуга оид саволлар доираси билан танишиб, маъруза материалларини жамлаб чиқинг. Фан бўйича ўқув дастурида ушбу мавзунини ўрганиш учун тавсия этилган адабиётлар билан қайтадан танишиб, уларни таҳлил қилинг.

Курс иши режасини тузиш тавсия қилинган адабиётларни ўрганиб чиқилгандан кейин бошланади.

Режа энг қисқа ёзма матн ҳисобланиб:

- фикрлар кетма-кетлигини ўзида мужассам этади ва умумлаштиради;
- манба мазмунини хотирада тиклайди;
- конспект ва тезислар ўрнини босади;
- ҳар хил турдаги ёзишмалар, маъруза, хабарнома ва ҳисобот тузишга ёрдам беради;
- ўз-ўзини назорат қилишни тезлаштиради;
- диққат-эътиборнинг бир нуқтада бўлишига ва машғулотларни рағбатлантиришга имкон беради;
- яхши таниш матннинг хотирада сақланишига ёрдам беради.

ЛЕКИН: режа курс иши мазмунини ёритмайди, фақат унга йўналиш беради ва узатиш схемасини кўрсатади.

☞ ▶ Шуни назарда тутиш керакки, режадаги масалалар кўпайиб кетмаслиги, унда энг муҳим масалалар ўз ифодасини топиши ҳамда ушбу масалалар ҳозирги замон талаблари билан алоқадор бўлиши лозим.

Айрим ҳолларда талаба томонидан тузилган режада олдин кўзда тутилган масалаларни такрорлаш кузатилади. Масалан, учинчи масала биринчи масалани, тўртинчи масала иккинчи масалани такрорламаслиги керак.

Режа тузилганда кўзда тутилган масалаларни аниқ ифода қилишга ҳаракат қилиш зарур.

Курс ишининг тузилиши умумий қоида сифатида ўрнатилган кириш, асосий бўлим, хулоса, статистик маълумотлар, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан ташкил топади. Курс ишининг барча қисмлари бир-бири билан ўзаро боғланган ва мавзунини очиқ беришга хизмат қилиши талаб этилади.

⇒ Мавзуга тегишли амалий маълумотларни тўплаш, тартибга келтириш, таснифлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш жараёнида курс ишининг режаси такомиллаштирилиши ёки унинг йўналиши ўзгартирилиши мумкин.

2. КУРС ИШИНИ ЁЗИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

Курс ишига қўйиладиган асосий талаблардан бири – бу унинг тўғри расмийлаштирилиши бўлиб, бу нафақат иш сифатини яхшилайти, шу билан бирга унинг муваффақиятини ҳам таъминлайди. Бунда эса қуйидагиларга амал қилиш тавсия этилади:

❧ Материалнинг аниқ ва изчил баён қилиниши курс ишини ёзишнинг асосий тамойилидир.

❧ Янги фикрни бошлайдиган иборалар хат бошидан бошлаб ёзилади.

❧ Матннинг тугалланмаган қисмини бошқа саҳифаларга ўтказишга йўл қўйилмайди.

❧ Агар матнда бошқа манбалардан олинган материаллар ишлатилса, унда кўчирмачиликда айбланмаслик учун манбасини қайд қилиш зарур.

Курс иши тузилган режага мувофиқ алоҳида бандларга, яъни параграфларга бўлинади. Бу бандларнинг номи қисқача бўлиб, мавзунинг мазмунига мос тушиши ва матнга мувофиқ тарзда бош ҳарфлар билан ёзилиши лозим. Бетлар араб рақамлари билан пастки қисмнинг ўртасида қўйилиши керак.

Курс ишининг таркибий тузилиши қуйидаги қисмларни қамраб олиши лозим:

- титул варағи;
- режа;
- кириш қисми;
- асосий қисм;
- хулоса ва таклифлар;
- фойдаланилган адабиётлар рўйхати;
- иловалар;
- муңдарижа.

Курс ишининг умумий ҳажми компьютерда Times New Roman шрифтида 14 катталиқда ва 1.5 интервал билан терилган, оқ қоғозга (А4, 210-297 мм) туширилган 25 дан 30 саҳифагача (камида 6000-7000 сўз) бўлиши керак.

Курс ишини ёзиш жараёнида қуйидаги ҳошиялар ўлчамига риоя қилиниши лозим:

Чап ҳошия – 30 мм, ўнг ҳошия – 15 мм, пастки ҳошия – 20 мм, юқори ҳошия – 20 мм.

Курс иши спирал билан тикилган енгил пластик билан муқоваланади. Унинг титул варағи (Қаранг: Илова -1) энг устига тикилади.

2.1. Титул варағини расмийлаштириш

Курс иши титул варағини расмийлаштириш қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

- Курс иши бажарилган ОТМ (катта ҳарфлар билан), факультет ва кафедра номи кичик ҳарфлар билан – шрифт 14;
- Курс иши номи – шрифт 16;
- курс иши бажарилаётган фан – шрифт 14;
- муаллифнинг фамилияси, исми – шрифт 14;

Курс иши мавзунинг номи, талабанинг фамилияси, исми ва отасининг исми, «Курс иши» ибораси ва йил катта ҳарфлар билан ёзилади.

Компьютерда ёзув турини танлашда фақат Times New Roman шрифтидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. (Қаранг: Илова -1)

Курс ишини рақамлаш режа қайд этилган варағидан бошланиб, охириги бетгача ҳамма варақларни қамраб олиши лозим. Режа қайд этилган варақ биринчи бет ҳисобланади ва унга рақам қўйилмайди.

Иловалар диссертациянинг охирида библиографик изоҳдан кейин акс этирилади, ахборот манбалари албатта жадваллар ва суратлар тагида кўрсатилади, варақларда саҳифалар рақамлари қўйилмайди

☞ ► Курс ишидаги барча график, чизма, расм, диаграмма ва бошқаларнинг номи аниқ қилиб устига ёзилиши ва рақамлаб чиқилиши лозим.

Режада курс ишининг барча бандлари, яъни кириш, асосий қисм, параграфлар, хулоса ва таклифлар келтирилади.

Кириш қисмининг ҳажми 3-5 бетдан ошмаслиги лозим. Унда назарий ва амалий жиҳатдан мавзунинг долзарблиги асосланади, мақсадлар шакллантирилади ва вазифалар белгиланади.

Асосий қисм фақат параграфлар ёки боблар ва унинг ичида параграфлар шаклида таснифланиши мумкин. Бу қисм курс ишининг умумий ҳажмида тахминан 80-85 фоизни ташкил қилиши керак. Курс ишининг асосий қисми параграфларда берилиши ва уларнинг сони камида беш ёки олтита бўлиши лозим.

Асосий қисмда мавзунинг асосий назарий ва методик масалалари кўриб чиқилади, статистик маълумотлар таҳлили натижалари очиб берилади, Куръоншунослиқдаги ўрганилаётган янги илмий йўналишлар ва анъаналар аниқланади ҳамда ўрганилаётган мавзуни чуқурроқ тадқиқ этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилади.

☞ ► Назарий масалаларни ёритиш жараёнида талаба курс иши мавзуси ва мазмунини Ўзбекистонда дин соҳасида амалга оширилган ислохотлар билан боғлаши, динийлик ва дунёвийлик мувозанатини доимо сақлаши лозим.

Худди шу бўлимларни ёзишда талаба олган назарий билимларини Ўзбекистон Республикаси олдида турган амалий масалалар билан ўзаро боғлай олиш қобилиятини кўрсата олиши керак. Унда умумлаштириш, мавжуд камчиликларни ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш муҳим ўрин эгаллайди.

☞ ► Курс ишида ўрганилган ва таҳлил қилинган масалани такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ва таклифлар берилиши лозим.

Курс ишининг хулоса ва таклифлар қисми 3-6 бет атрофида бўлиб, унда талаба илмий тадқиқотнинг хулоса ва таклифларини баён этади.

☞ ► Курс ишининг охирида мавзуга тааллуқли сўзлардан (20-30 та) инглиз тилида ўзбекча таржимаси билан берилиши мақсадга мувофиқ.

Иловаларда асосий матнда ўқишни қийинлаштирадиган жадваллар, графиклар, ҳужжатлар нусхалари, диаграммалар келтирилади ва рақамланади. Талаба томонидан нашр этилган ишлар ҳам иловада берилиши мумкин.

Курс ишининг асосий матнида мавзуни очиб беришга қаратилган ва тўғри тузиб чиқилган жадваллар, графиклар, расмлар, диаграммалар ва бошқа зарурий материаллар келтирилиши лозим. Саҳифанинг атрофларига безакли чизиқлар қилиниши мумкин.

Мундарижада курс ишининг барча қисмлари, яъни кириш, боб ёки бўлимлар, параграфлар, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловалар жойлашган саҳифа рақамлари билан биргаликда келтирилади.

«Қуръоншунослик» фани бўйича курс иши ўзбек, рус, араб ва инглиз тилларида тайёрланиши мумкин.

Курс иши имло хатоларсиз, раван, тушунарли тилда ёзилиши, жумла ва гаплар аниқ фойдаланиши, улар ўзаро боғлиқ бўлиши ва бир-бирини тўлдириб туриши керак. Унда келтириладиган статистик далиллар фақатгина кўргазма (иллюстрация) вазифасини ўтаб қолмасдан, хулосалар чиқариш ва уларни исботи учун хизмат қилиши лозим. Курс ишида келтирилган барча асослар ва ҳужжатларнинг аниқлиги ва ҳақиқийлиги учун унинг муаллифи жавобгардир.

☞ ► Курс иши талаба томонидан мустақил равишда шахсан бажарилиши шарт. Талаба томонидан турли хил манбалардан далиллар, статистик маълумотлар, турли муаллифларнинг фикрларидан иқтибослар тўғри расмийлаштирилиши ва илмий маълумотлари билан таъминланган бўлиши керак.

Курс ишида илмий маълумотларга сайқал бериш нашр этишга тайёрланаётган илмий ишлар талабларига жавоб бериши керак.

Курс ишини ёзиш жараёнида талаба шу соҳада мавжуд бўлган ва ўзи фойдаланган бошқа илмий тадқиқотлар ва ҳужжатлардан далиллар келтириши зарур.

Илмий маълумотларга сайқал бериш давомида талаба қуйидаги шартларга риоя қилиши лозим:

- курс ишини ёзиш давомида фойдаланилган адабиётлар ва бошқа манбалардан далил келтириш бир хил тартибда ёритилиши керак;
- матнда фойдаланилган манбалар саҳифа остида изоҳ тарзида аниқ ва тўлиқ келтирилиши, яъни муаллиф ва адабиётнинг номи, нашриёти, йили ва бети келтирилиши зарур;
- саҳифа остидаги изоҳ тарзидаги ёзувда вақтли нашрлар, китоблар ва мақолалар номи қўштирноққа олинмайди;
- саҳифа остидаги изоҳ 1 интервал қилиб ёзилиши лозим.
- курс ишлари ёзиш жараёнида фойдаланилган адабиёт ва илмий манбалар сони мавзунини очиқ берадиган даражада бўлиши зарур.

3. ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АДАБИЁТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

☞ ► Курс ишини сифатли бажаришнинг муҳим шартларидан бири танлаб олинган мавзу бўйича мавжуд махсус адабиётларни чуқур ўрганиши ҳисобланади.

Бунда кўриб чиқиладиган саволларга тегишли расмий маълумотлар, илмий асарлар, дарсликлар, илмий мақолалар тўпламлари, газета мақолалари, илмий анжуманлар материаллари ва статистик маълумотларни ўрганиб чиқиш зарур.

Адабиётларни ўрганиш жараёнида асосий эътиборни биринчи навбатда мақола ёки китобнинг курс иши билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган қисмларига, яъни боб ва параграфларга қаратиш керак. Шу билан бирга, курс ишини ёзиш жараёнида зарур саволларни тушириб қолдирмаслик мақсадида ҳар бир ўрганиладиган адабиётни бошидан охиригача кўз югуртириб чиқиш лозим.

Адабиётларни ўқиш ва ўрганиш жараёнида курс иши билан боғлиқ бўлган саволлардан намуна кўчириб олиш зарур. Ҳар бир намунада унинг манбаси ва манбадаги саҳифаси кўрсатилиши керак. Адабиётлар билан танишиш жараёнида муаллиф ўз хулосаларини исботлаш учун фойдаланган таҳлилнинг техник усуллари, яъни жадваллар, шакллар, статистик маълумотларни гуруҳларга бўлиш ва бошқаларни ёзиб қўйиш зарур, чунки улардан баъзи бирларидан курс ишини ёзиш давомида фойдаланиши мумкин.

Ўрганиладиган адабиётлардан кўчириб олинаётган парчаларни алоҳида қоғознинг фақат бир томонига ёзув учун ҳошия қолдирган ҳолда ёзиш, адабиётлар билан танишиш жараёнида вужудга келган ғояларни шу заҳоти ёзиб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

☞ ► Курс иши режасидаги ҳар бир қисмга доир материаллар алоҳида-алоҳида ажратилиши талаба учун қулайлик яратди.

Манбалардан олинган фикрлар, маълумотлар, жадвал ва чизмалар (сноска тарзида) асосланиши керак.

Курс ишини талаб даражасида ёзиш учун кўп миқдордаги адабиётни кўриб чиқиш ва ўрганиш талаб қилинганлиги сабабли парчалар шаклида тўпланган маълумотларни тартибга солиш лозим. Бундай тартибга солиш турларидан бири қуйидагича бўлиши мумкин. Ҳар бир парча

маълум бир рақам билан белгилаб қўйилади. Масалан, «1.2» рақами парчадан 1-чи боб ёки бўлимнинг 2-чи параграфини ёзиш давомида фойдаланилади деган маънони билдиради. Шунингдек, йиғилган маълумотларни ҳар бир параграф ичида ёритиладиган саволлар бўйича ҳам тартибга солиш мақсадга мувофиқдир.

Агар адабиётлар манбалари билан ишлаш талаба томонидан пухта ва сидқидилдан амалга оширилса, у қайси саволлар бўйича қандай амалий далиллар тўплаш ва буларни қайси йўналишда қайта ишлаш ва таҳлил қилиш кераклигини яхши билади.

Соҳа йўналишига тегишли материалларни интернет саҳифаларидан излаб топиш орқали маълумотлар тўплаш ҳам мумкин. Бу тариқа «Қуръоншунослик» фанидан курс иши ёзиш учун илмий маълумотларни (чет эл манбаларидан) тўплаш, уларни таҳлил қила олиш учун албатта чет тилини (айниқса, араб, рус ва инглиз тилларини) билиши талаб қилинади. Унда соҳанинг республика ва ривожланган мамлакатлар миқёсида ривожланиш тенденцияси, бу йўналишдаги асосий кўрсаткичлар, соҳанинг ривожланиш истиқболлари ва унга оид дунё даражасидаги илмий муаммолар рўйхатини белгилаб олиш керак.

3.1. Фойдаланилган манба ва адабиётларни расмийлаштириш қоидалари

Илмий тадқиқотда фойдаланилган адабиётларнинг библиографик рўйхати

ишнинг охирида жойлаштирилади. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида талаба курс иши ёзиш давомида фойдаланган манбалар рўйхати келтиради (*Қаранг: Илова -2*).

Адабиётлар библиографик баёнида қуйидаги изчилликда жойлаштирилади:

- қонунлар, меъёрий-услубий ҳужжатлар ва материаллар;
- мамлакатимизда ва чет элларда босилган илмий адабиётлар (дарсликлар, ўқув қўлланмалар, монографиялар, илмий мақолалар, илмий брошюралар ва ҳоказо);
- статистик, йўриқномавий материаллар;

- интернет-ресурслар.

Ҳар бир манба бўйича қуйидаг маълумотлар кўрсатилади:

- муаллиф фамилияси, сўнгра унинг исми-шарифи;
- китоб номи;
- шаҳар номи;
- нашриёт номи;
- босилган йили.

Агар китоб муаллифлари уч ва ундан ортиқ кишилардан иборат бўлса, бу ҳолда биринчи муаллифнинг фамилияси, исми-шарифини кўрсатиб, сўнгра «ва бошқалар» деб қўйиш ҳам мумкин.

Шаҳарларнинг номлари қисқартирилмасдан бош келишиқда ёзилади. Москва, Ленинград, Санкт-Петербург ва Тошкент каби шаҳарлар номларини қисқартириб ёзиш мумкин: Москва – М., Ленинград – Л., Санкт-Петербург – СПб., Тошкент – Т. Агар китоб икки шаҳарда босилган бўлса, унда иккаласи ҳам ёзилади, масалан, – М., Л.

Агар китобни икки нашриёт чиқарган бўлса, унда ҳар иккала нашриёт номи ҳам ёзилади, масалан: Т.: Фан, Ўзбекистон.

Даврий матбуот ҳақидаги маълумотларда қуйидагилар кўрсатилади:

- муаллифнинг фамилияси, исми-шарифи;
- мақола номи;
- журнал ёки газета номи;
- серия номи;
- журнал ёки газетанинг босилган йили;
- журнал ёки газета жилди ва рақами;
- саҳифа рақами.

3.2. Иловаларни расмийлаштириш

Иловалар диссертациянинг охирида библиографик изоҳдан кейин акс эттирилади, лекин ахборот манбалари албатта жадваллар ва суратлар тагида кўрсатилади ва варақларда саҳифалар рақамлари қўйилмайди.

4. АМАЛИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ ЙИГИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ

Амалий маълумотларни йиғишда тадқиқот объектининг ҳисоботлари, илмий-амалий анжуманлар материаллари ҳамда социологик тадқиқотлардан фойдаланилади. Бундан ташқари, танланган мавзу бўйича мустақил социологик тадқиқотлар, кузатишлар, сўроқ ўтказиш ҳам мумкин. Турли кўрсаткичларнинг динамикасини таҳлил қилиш учун керакли далилларни йиғиш талаб қилинади.

► Йиғилган маълумотларни алоҳида бўлимлар ва параграфлар бўйича тақсимлаш мақсадга мувофиқдир. Шундан кейин уларни ҳар бир бўлим ва параграфларнинг мақсади ва вазифаларига мос равишда қайта ишлашга киришиш лозим.

5. КУРС ИШИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

(Баҳолашнинг кўрсаткичлари ва мезонлари)

Баҳолаш кўрсаткичлари	Баҳолаш мезонлари
1. Курс иши мавзусининг янгилиги Макс. – 20 балл	- муаммо ва мавзунинг долзарблиги; - муаммонинг қўйилиши, таҳлил учун танланган муаммонинг янги жиҳатини ифодалашдаги янгилик ва мустақиллик; - муаллиф позициясининг мавжудлиги, фикрларнинг мустақиллиги.
2. Мавзу моҳиятини очиқ бериш даражаси Макс. – 20 балл	- режанинг тадқиқот мавзуга мувофиқлиги; - мазмуннинг курс иши мавзуи ва режасига мослиги; - муаммонинг асосий тушунчаларини очиқ беришнинг тўлиқлиги ва чуқурлиги; - материал билан ишлаш усуллари ва услубларининг асосланганлиги; - адабиётлар билан ишлаш, материални бир тизимга солиш ва таркиблаштириш маҳорати; - кўриб чиқиладиган масала бўйича ҳар хил нуқтаи назарларни умумлаштириш, қиёслаш, асосий қоидалар ва хулосаларни далиллаш маҳорати.

3. Манбаларни танлашнинг асослилиги Макс. – 15 балл	- муаммога доир адабий манбалардан фойдаланиш доираси, тўлиқлиги; - муаммо бўйича энг янги асарлардан фойдаланиш (журнал мақолалари, илмий асарлар тўпламлари материаллари ва ҳоказо).
4. Расмийлаштириш талабларига риоя қилиниши Макс. – 15 балл	- фойдаланилган адабиётларга қайдларнинг тўғри расмийлаштирилиши; - баённинг саводлилиги ва маданияти; - муаммо атамалари ва тушунчалар аппаратини эгаллаганлик; - курс иши ҳажми талабларига риоя қилиниши; - расмийлаштириш маданияти: хатбошиларнинг ажратилиши.
5. Саводлилиқ Макс. – 15 балл	- орфографик ва синтактик хатолар, услубий нуқсонларнинг йўқлиги; - хатолар, умумий қабул қилинган сўзлардан ташқари сўзларни қисқартиришларнинг йўқлиги; - адабий услуби.
6. Тақдимот Макс. – 15 балл	- Тақдимотнинг умумий беағи, курс иши номи ва мазмунига мувофиқ бўлиши; - Слайдларни намойиш этишда товуш ва анимациядан фойдаланиш; - Тақдимотнинг эстетик таассуротлари.

Натижада курс иши қуйидаги тарзда билимларни баҳолашнинг 100 баллик тизимда баҳоланади:

- 86 – 100 балл – «аъло»;
- 71 – 85 балл – «яхши»;
- 55 – 70 балл – «қониқарли»;
- 55 баллдан кам – «қониқарсиз».

Баллар дастурдаги мўлжалланган материални билиши жорий баҳолаш жараёнида ҳисобга олинади ҳамда рейтинг дафтарчасининг охирида алоҳида рейтинг бали билан баҳоланади.

6. КУРС ИШИГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ

Курс ишига умумий методик раҳбарлик илмий раҳбар томонидан амалга оширилади. Илмий раҳбарнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- курс иши ёзиш бўйича услубий кўрсатмани ҳар бир талабага тарқатиш;
- курс иши ёзиш бўйича вазифа бериш;
- талабага курс иши тузилиши ва режасини ишлаб чиқишда ёрдам бериш;
- талабага мавзу бўйича асосий ва қўшимча адабиётларни, маълумотларни танлашда ёрдам бериш;
- талаба билан биргаликда тадқиқот объекти ва доирасини, объект фаолиятини ўрганиш, маълумотлар йиғиш ва уларни таҳлил қилиш методларини аниқлаш.

Илмий раҳбар талаба ташаббусини турли йўللار билан ривожлантиришга ва мустақил илмий тадқиқот ишини амалга оширишига ёрдам беради. Педагогнинг курс иши ёзиш масаласи бўйича маслаҳатлар бериши илмий раҳбар томонидан белгиланган ва кафедра томонидан тасдиқланган жадвал асосида ўз муддатида олиб борилади.

Илмий раҳбар, ўзига тақдим қилинган курс ишини текшириб, ўз мулоҳазаларини билдиради ва ишни қайси йўналишда ўзгартириш ҳамда тўлдириш кераклиги тўғрисида маслаҳат беради.

Ёзиб тугатилган курс иши белгиланган муддатда илмий раҳбарга топширилади. Илмий раҳбар курс ишини текшириб чиқади ва уни ҳимояга рухсат бериш тўғрисида ўз фикрини билдиради.

☞ Илмий раҳбар курс иши талаб даражасида бажарилмаган бўлса, қабул қилмаслиги мумкин.

7. КУРС ИШИ ҲИМОЯСИ

Белгиланган тартибда ёзилган курс иши (компьютерда бажарилган ҳолда унинг электрон варианты билан бирга) талаба томонидан раҳбарга тақдим этилади.

Курс ишлари ҳимоясида илмий раҳбар ва мутахассислик кафедрасидан бир ёки икки киши иштирок этади. Курс иши ҳимояси тартиби қуйидагилардан иборат:

1. Талаба 10-15 дақиқа давомида ҳимояда иштирок этаётганларга курс ишининг мақсади, вазифалари, мазмуни ҳамда ўз тавсиялари ва таклифлари тўғрисида ахборот беради.

2. Курс иши замонавий ахборот технологиялари воситасида тақдимот (презентация) шаклида ташкил этилади ва ўтказилади.

3. Талаба ҳимояда иштирок этаётганларнинг курс иши мавзуси бўйича саволларига жавоб беради.

4. Курс ишининг баҳоси ҳимояда иштирок этаётган профессор-ўқитувчилар ва илмий раҳбар билан биргаликда талабанинг жавоблари асосида белгиланади.

5. Курс иши 100 баллик рейтинг тизими асосида баҳоланади.

6. Курс иши ҳимоясидан сўнг илмий раҳбарнинг тавсияси билан илмий мақола шаклига келтирилиши ва илмий журналларда нашр этилиши мумкин.

7.1. Тақдимот тартиби

☞ ► Муваффақиятли тақдимот қилиш учун қуйидагиларга амал қилиш кераклиги талабага ўқтирилади:

- Ҳамиша сўзлаётган гапингизга ишончингиз комил бўлсин.
- Аниқ ва лўнда қилиб гапиринг.
- Фикрни тугалланган иборалар билан баён қилинг, муҳим қирраларини таъкидлаб гапиринг.
- Бир хил ва секин гапирманг, лекин жуда баланд ҳам сўзламанг.
- Хушмуомала ва эътиборли бўлинг, агрессив бўлманг, вазминликни намоён қилинг.
- Ҳамиша гапни табассум билан бошлаб, табассум билан тугатинг.

- «Эҳтимол», «Ким ҳам билади дейсиз?», «Балки» каби ибораларни ишлатманг. Бундай иборалар нутқингизга ишончсизлик бағишлайди.
- Тингловчилар билан алоқани йўқотмасдан – уларга тез-тез қараб туринг.
- Оғирлигингизни бу оёғингиздан нариги оёғингизга ташлайверманг, қўлингизни орқангизда ушлаб турманг, стол, минбарга суяниб олманг, кескин имо-ишоралар қилманг, қўлингизни, маркерни ҳадеб силтаманг, елпигич, қоғозларни силкитманг.
- Ҳамиша жавоблар ва таклифлар учун миннатдорлик билдиринг!
Тақдимотда нималар бўлиши керак?
 - Нутқлар регламентига риоя қилиш.
 - Нотиқлар навбатлилигига амал қилиш.
 - Вақтни тўғри тақсимланиши ва тана хатти-ҳаракатларининг мутаносиб бўлиши.
 - Ахборотлар график шаклда ҳам тақдим этилиши керак (схемалар, жадваллар, графиклар ва ҳоказо).
 - Барча график ахборотларга изоҳ берилиши лозим.
- **Тақдимотда нима бўлмаслиги керак:**
 - Вазиятнинг баёни ва ҳикояси.
 - Қатнашчилар нутқларида зиддиятлар.
 - Тушунарсиз, ноаниқ ва ўринсиз иборалар.

7.2. MS Power Point да лойиҳа тақдимотини тайёрлаш бўйича йўриқнома

1. **MS Power Point** да тақдимотни тузиш жараёни қуйидаги ҳаракатлардан иборат:

- тақдимотнинг умумий фонини танлаш;
- слайдларнинг мазмуний ўлчамларини танлаш;
- янги слайдни ва унинг таркибий қисмларини қўйиш;
- слайд ўлчамларини танлаш;
- слайдларни беаида зарур бўлган ўзгаришлар;
- слайдларни кўрсатишда товушли анимация жиҳатларини яратиш.

■ Тақдимотни яратиш жараёнида Microsoft Power Pointга илова бўлган маълумотнома (электрон ўқув қўлланма ёки нашрий ўқув қўлланма)дан фойдаланиш мумкин.

2. Тақдимот қўйидаги тавсифларга эга бўлиши керак:

- Слайдлар сони (7 – 10 та).
- Слайдларнинг мазмуний ўлчамлари:

1) биринчи слайдда чиқарувчи ташкилот (факультет, кафедра) номи, курс иши номи, муаллифнинг фамилияси исми ва ўқув гуруҳи рақами кўрсатилади;

2) охириги слайдда маълумотлар олинган манбалар тавсифи берилади;

3) қолган слайдлар лойиҳа мазмунини эркин шаклда ифодалайди.

- Техник бажарилиши:

1) слайдлар автоқўриниш тартибида ёки сичқонча ёрдамида намоёйиш этилади;

2) энг камида 3 та анимация ва 1 та овоз опциясидан фойдаланилади;

3) ҳар бир слайд биринчи саҳифага қайтиш тугмасига эга;

4) баъзи слайдларда Word ҳужжатларига ҳавола қилиш мумкин.

7.3. Microsoft Power Pointда ўқув лойиҳаси тақдимотини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

№	Баҳолаш кўрсаткичлари	Баҳолаш мезонлари
1.	Тақдимотнинг умумий беағи курс иши номи ва мазмунига мувофиқ. Макс. – 5 балл.	1 – тақдимотда курс иши номи йўқ. Тақдимотнинг умумий беағи курс иши номи ва мазмунига номувофиқ, беақларда ягона услуб мавжуд эмас; 3 – тақдимотда лойиҳа номи бор, аммо мазмун ва беағи усули бир-бирига номувофиқ; 5 – тақдимотни беағи лойиҳа номи ва мазмунига мос. Барча слайдлар ягона усулда бажарилган

2.	Слайдларни намоиш этишда товуш ва анимациядан фойдаланиш. Макс. – 5 балл .	0 – анимациялар йўқ; 3 – анимация ва товуш фақатгина слайдлар алмашишида ишлатилади 5 – анимация ва товуш слайдлар алмашишида ва бошқа алоҳида қисмларда ҳам ишлатилади
3.	Тақдимотнинг эстетик таассуротлари. Макс. – 5 балл .	0 – тингловчиларнинг аксарияти муаллиф тақдимотида эстетик дид етишмаслигини қайд этади 3 –баъзи слайдлар яхши эстетик таассурот қолдиради. 5 – бутун тақдимот ягона усулда яратилган ва слайд- фильм сифатида тақдим этилган

Натижада курс иши тақдимоти қуйидаги баҳолашнинг 15 баллик тизимида баҳоланади:

- 13 – 15 балл – «аъло»;
- 11 – 12 балл – «яхши»;
- 8.5 – 10 балл – «қониқарли»;
- 8.5 баллдан кам – «қониқарсиз».

Тақдимот жараёнида тўпланган балл баҳолаш мезонида кўрсатиб ўтилган ҳамда талаба томонидан йиғилган балларга қўшилади: курс иши мавзусининг янгилиги (макс. – 20 балл), мавзу моҳиятини очиб бериш даражаси (макс. – 20 балл), манбаларни танлашнинг асослилиги (макс. – 15 балл), расмийлаштириш талабларига риоя қилиниши (макс. – 15 балл), саводлилиги (макс. – 15 балл).

8. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН КУРС ИШИ МАВЗУЛАРИ

1. Тафсир усуллари.
2. Қуръонни Қуръон билан тафсир қилиш.
3. Қуръонни ҳадис билан тафсир қилиш.
4. Қуръони каримда ижтиҳод.
5. Қуръон оятларидаги ижтимоий адолат мавзуси.
6. Қуръонда бағрикенглик ғоялари тараннуми.
7. Қуръони каримда носих ва мансух оятлар.
8. Саҳобийлар тафсирларининг ўзига хос хусусиятлари.
9. «Ат-тафсир ва-л-муфассирун» асарининг тафсиршуносликда тутган ўрни.
10. Қуръонда тинчлик, ҳамжиҳатликка чорловчи оятлар тафсирининг ўзига хос хусусиятлари.
11. Муфассир-тобеъийлар.
12. Ақлий ва нақлий тафсирларнинг ўзига хос жиҳатлари
13. Тобеъийлар даврида тафсир мактаблари.
14. Макка тафсир мактаби.
15. Қуръон тафсирлари тарихий манба сифатида.
16. Тафсир илмининг шаклланиш босқичлари.
17. Қуръон таъвилида ўзига хос усуллар.
18. Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)нинг тафсир илмида тутган ўрни.
19. Мадина тафсир мактабининг вужудга келиши.
20. Ироқ тафсир мактабининг шаклланиши ва ривожланиши.
21. Ироқ тафсир мактабида машҳур муфассирлар фаолияти таҳлили.
22. Тафсири маъсур ривоятларида заифлик.
23. Исроилиётларнинг тафсир илмида тутган ўрни.
24. Қуръони карим, Таврот, Инжил орасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар.
25. Ибн Жарир ат-Табарий – буюк муфассир.
26. «Жомийъ ал-баён фи тафсири ал-Қуръан» асарининг таърифи ва услуби.
27. Ибн Жарир ат-Табарий тафсирида исроилиётлар талқини.
28. Мовароуннаҳр тафсир мактабининг шаклланиши тарихи.

29. Абу-л-Лайс Самарқандийнинг тафсир илми ривожига қўшган ҳиссаси.
30. «Баҳр ал-улум» тафсирининг умумий таркибий таҳлили.
31. Абдураҳмон ас-Суламининг «Ҳақоиқ ат-тафсир» асарининг тасаввуфий тафсирлар орасида тутган ўрни.
32. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Назоир ал-Қуръан» асаридаги тасаввуфий талқинлар таҳлили.
33. Ҳусайн Воиз Кошифий – машҳур муфассир.
34. Кошифийнинг «Мавоҳиби Алиййа (Тафсири Ҳусайний)» асарининг дидактик хусусиятлари.
35. Ас-Саълабийнинг «Ал-Кашф ал-баён ан тафсир ал-Қуръан» тафсири тарихи.
36. Ас-Саълабий тафсирида бидъатчи фирқалар талқини.
37. Манноъ Қаттонинг «Мабаҳис фи улум ал-Қуръан» асарининг тафсиршуносликдаги аҳамияти.
38. Ал-Бағавий илмий меросида «Маъолим ат-танзил» тафсирининг тутган ўрни
39. Ибн Атийянинг «Ал-Мухаррир ал-важиз фи тафсир ал-Қуръон ал-азиз» тафсирининг қиймати.
40. Маҳмуд аз-Замахшарий «ал-Кашшоф» тафсирининг ўзига хос хусусиятлари.
41. Ибн Касирнинг ҳаёти ва илмий мероси.
42. «Тафсир ал-Қуръан ал-карим» асарининг ўзига хос услуби.
43. Жалолуддин ас-Суютийнинг тафсир илмида тутган ўрни
44. «Ад-Дурр ал-мансур фи-т-тафсир ал-маъсур» тафсирининг услуби.
45. Ас-Суютийнинг «Итқон фи улум ал-Қуръан» асарининг қуръоншуносликдаги тутган ўрни.
46. Раъй билан тафсир қилиш усулининг эътиборли жиҳатлари.
47. Ижтиҳодий тафсирга уламоларнинг муносабатлари.
48. Туркий тафсирларнинг ўзига хос хусусиятлари.
49. Тасаввуф аҳли тафсирлари таснифи.

50. Муҳйиддин ибн ал-Арабийнинг тафсир илми ривожига қўшган ҳиссаси.
51. Нақшбандия тариқати тафсирлари.
52. Хожа Муҳаммад Порсонинг «Тафсир» асарида нақшбандия тариқати таълимоти асослари.
53. «Тафсири Чархий» – нақшбандия тариқати тафсири сифатида.
54. Европада Қуръоншунослик.
55. Қуръонни бошқа тилларга таржима қилиш тарихи.
56. Европаликлар ва мусулмонларнинг таржималари.
57. Қуръон XXI асрда.
58. Қуръонда диний бағрикенглик тамойиллари.
59. Қуръон карим моддий дунё ҳақида.
60. Қуръонда ғайб олами талқини.
61. Қуръонда тарихий қиссалар баёни.
62. Қуръондаги қиссаларнинг тарбиявий моҳияти.
63. Қуръондаги тинчликпарвар ғояларининг инсон маънавий қиёфасига таъсири.
64. Қуръонда илмга оид оятлар таҳлили.
65. Фикҳий тафсирларнинг ўзига услуби.
66. Аббосийлар даврида тафсир илмининг ривожид.
67. Қуръони каримда закот ва ижтимоий ҳимоя масаласи.
68. Қуръон – ислом маънавиятининг асоси.
69. Қуръонда муомалот масалалари таснифи.
70. Қуръонда ижтимоий ҳимоя масалалари.
71. Мустақил Ўзбекистонда Қуръон тафсир ва таржималари бўйича амалга оширилган ишлар.
72. Ўзбек тилидаги тафсирларнинг қиёсий таҳлили.
73. Қуръоншуносликнинг долзарб муаммолари.
74. Россия қуръоншунослигининг муаммолари.
75. Европада қуръоншунослик анъаналарининг шаклланиш жараёнлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

«Ислом тарихи ва фалсафаси» факультети
«Исломшунослик» кафедраси

«Қуръоншунослик» фанидан
5220400 – «Диншунослик» йўналиши
3–курс талабаси

ФАХРИДДИНОВ ЗАФАР ЛАТИПОВИЧНИНГ
«ТУРКИЙ ТАФСИРЛАРНИНГ ЎЗИГА
ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ»
мавзуидаги

КУРС ИШИ

Илмий раҳбар: т.ф.н. И.Усманов

1. Расмий адабиётлар:

1.1. Каримов И. А. *Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида*. Т.16. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.

1.2. Каримов И.А. *Юсак маънавият – енгилмас куч*. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

2. Меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар

2.1. *Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси*. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 40 б.

3. Илмий адабиётлар ва монографиялар

3.1. Комилов Н., Ёқубов А. *Марказий Осиё халқлари тафаккури ривожда тасаввуфнинг ўрни*. – Т.: Академия, 2005. – 84 б.

3.2. Мансур А. *Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири*. – Т.: Тошкент ислом университети, 2010. – 618 б.

4. Журнал ва газета мақолалари

4.1. Мўминов А. *Мовароуннаҳр уламолари: Ҳанафийлар* // Шарқшунослик. – Тошкент, 1999. – № 3. – Б. 41-43.

5. Авторефератлар

5.1. Комилов М. *Мовароуннаҳр фикр илми ривожда Алоуддин ас-Самарқандийнинг ўрни ва «Тухфат ал-фуқаҳо» асарининг аҳамияти*: Тар. фан. ном. дис... автореф. – Т.: ТИУ, 2000. – 26 б.

6. Статистик тўпламлар

1. *Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг 2008 йиллардаги статистик тўплами*.

7. Интернет сайтлари

1. <http://www.norma.uz>

2. <http://www.gov.uz>

3. <http://www.ziyounet.uz>

4. http://www.islamic_studies.uk

5. <http://www.koran.ru>

Мундарижа

Кириш	3
1. Курс ишини ёзишга тайёргарлик	8
2. Курс ишини ёзиш ва расмийлаштиришнинг асосий қоидалари	11
2.1. Титул варағини расмийлаштириш	12
3. Илмий-назарий адабиётлардан фойдаланиш	15
3.1. Фойдаланилган манба ва адабиётларни расмийлаштириш қоидалари.....	16
3.2. Иловаларни расмийлаштириш.....	17
4. Амалий маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш	18
5. Курс ишини баҳолаш мезонлари	18
6. Курс ишига раҳбарлик қилиш	20
7. Курс иши ҳимояси	21
7.1. Тақдимот тартиби	21
7.2. MS Power Point да лойиҳа тақдимотини тайёрлаш бўйича йўриқнома	22
7.3. Microsoft Power Pointда ўқув лойиҳаси тақдимотини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари	23
8. Тавсия этилаётган курс иши мавзулари	25
Илова-1.....	28
Илова-2.....	29

ҚАЙДЛАР УЧУН

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Тошкент ислом университети**

Усманов Иброҳим Собирович

Олий таълимнинг «5220400-Диншунослик»
йўналиши учун мўлжалланган

**«ҚУРЪОНШУНОСЛИК» ФАНИДАН
КУРС ИШИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ КЎРСАТМА**

ТИУ нинг расмий рухсатисиз қайта чоп этиш мумкин эмас.

Босишга 2011 йил 8 июнда рухсат этилди.

Бичими 60×84 1/16. Шартли б.т. 2,0. Нашр т. 2,10.

Адади 25 дона. Буюртма № 69.

Баҳоси шартнома асосида.

«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа

бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.

100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.